

ТОШКЕНТ ҲАҲИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 41 (3013). | Яшанба, 28 февраль 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

САЙЛОВОЛДИ АГИТАЦИЯСИ

Совет халқи яна бир неча кундан сўнг қудратли ва ғалиб совет демократиясининг ҳаёт-бахш кўчи ва оилалиқ фазилатларини танита қилади. 14 март — маҳаллий Советларга, Совет давлатининг асосини ташкил этган — область, шаҳар, район, қишлоқ, поселка ва аҳоли Советларига навбатдаги сайлов ўтказилади. Ҳамма ерда халқимиз маҳаллий Советлар орган-ларига ўзларининг вакилларини — меҳнатда, жамият ҳаёти-да намуна кўрсатган элу-юрт-нинг иззат ва ҳурматига сазо-вор бўлган ўғил ва қизларнинг депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.

Барча сайлов округларида де-путатликка кўрсатилган номзод-лар рўйхатга олиб бўлинди. Тошкент область Совети де-путатлигига 354 ва Тошкент ша-ҳар Совети депутатлигига 456 сайлов округидан, шунингдек район, қишлоқ, поселка ва овул Советлари депутатлигига ҳам номзодлар кўрсатилди. Булар орасида турли касб ва ҳунар эгалари, ишчилар, колхозчилар, олимлар, бинокорлар, маданият, фан ва санъат аҳлилари бор. Халқ номзодлари колхоз ва совхозларда, саноат корхоналари, лабораториялар, ўқув юртилари, хўжалиқимонининг турли тар-моқларида иш олиб бораётган, партия ва давлат ишига садоқатли кишилар — коммунист-лар ва партиячиларидир.

Маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга тайёргарлик-нинг янги даври, яна ҳам му-ҳим ва масъулиятли пайкарига бошланди. Ҳамма ерда де-путатликка кўрсатилган номзодлар учун агитация олиб боришмоқда. Бу давр, айниқса, агитпунктлар ва агитаторлардан ҳар тарафла-ма пухта иш олиб боришни, партия ташкилотларининг ташаб-бус кўрсатиш ишларини талаб этади. Сайловдаги агитацияси жанговар, таъсирчан ва киши-ларни сафарбар этувчи ҳамада уларни янги марраларга руҳ-лантирувчи бўлиши. Ҳар бир сайловчи номзоднинг сийёси ва меҳнат фаолиятининг, унинг шахсий фаолиятларининг, 14 мартда қим учун овоз беришни-ни яхши билсинлар ва ўз номзодларининг маҳаллий Советлардаги муносиб вакил-лар эканлигига тўла ишонч ҳосил қилсин. Бунинг учун аги-тация ва тушунтириш ишлари-ни тобора кучайтириш, бу соҳа-да турли форма ва методлардан фойдаланиш лозим. Партия таш-килотлари номзодлар билан сай-ловчиларнинг уршушларини ҳар тарафлама уюшқонлик ва юксак савияда ўтказишга, бу учрашувларнинг умумий иш-минининг янада ривож топиши ва юксалишига хизмат этишига алоҳида эътибор беришлари ке-рак.

Агитпунктларда иш қизғин. Агитаторлар сайловчилар ўрта-сида оммавий-сийёсий тушунти-риш, суҳбат ва лекцияларни ку-чайтириб, ўз тажрибалари ва маҳоратларини ишга солимоқда-лар. Суҳбат ва учрашувларнинг қизқарқин ва мазмунли бўли-ши агитаторларнинг билим ва савиясига, уларнинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятла-рига кўй жихатдан боғлиқдир. Агитатор омма орасига борар экан, у ўтказиладиган маъгу-



ТАСС
АХБОРОТИ

„КОСМОС—58“ ПАРВОЗДА

1965 йил 26 февралда Совет Итти-фондада Ернинг навбатдаги сунъий йўдоши „Космос-58“ учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 18 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қили-ниши давом эттиришга мўлжаллан-ган илмий аппаратлар ўрнатилган. Йўлдош параметрлари куйидагича бўлган орбитага чиқарилиди: Бошланғич айланиш даври 96,8 минут. Ер сатҳидан максимал узоқла-шуви (апогейда) 650 километр; Ер сатҳидан минимал узоқла-шуви (перигейда) 581 километр;

Ер сатҳидан максимал узоқла-шуви (апогейда) 650 километр; Ер сатҳидан минимал узоқла-шуви (перигейда) 581 километр;

ҚҲРҲОНТЕПАЛИКЛАРИЗИДАН

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Бўқадаги „Ленин йўли“ колхозининг 1965 йилда маҳсулот етиштириши кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети „Совет Ўзбекистон“ газетасининг шу йил 17 февраль со-нида босилган Бўқа районидаги „Ленин йўли“ колхоз-и аъзоларининг йўлдош-ликларини қизғин равишда амалга ошириш иш-ларининг сўнгги якуловчи йилида пахта ва бо-шқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини кўриб қолди ва уни маъмуллаб қарор қабул қилди.

Район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига „Ленин йўли“ кол-

хоз аъзоларининг 1965 йил учун белгилаган та-дбирларини муҳофизат қилиш, ҳар бир район, колхоз, совхоз ва зевонининг микротер шартлари ва имонит-ларини ҳисобга олган ҳолда 1965 йилда пахта ва бо-шқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши кў-пайтириш, ҳосилдорлигини ошириш тадбирларини бел-гилаш ҳамда ана шу тадбирларни амалга ошириш чо-раларини кўриш, бу йил пахта ҳосили етиштириш учун бошланган ҳаракатни кенг оммалаштириш ва кувватлаш топширилди.

Тупроқда нам сақлаш ва чи-гитини еришга ўз намига ундириб олиш учун эрта баҳорда борона қилинади. Барча майдон ме-хан-измлар билан текисланади. Бе-гона ўтлар тарқалган участкалар чиқарилиб йилдаги тадбир-ларни кўриб қолди ва уни маъмуллаб қарор қабул қилди.

Қишлоқ хўжалик зараркунанда-ларининг тарқалишига йўл қўй-маслик мақсадида карталарнинг четлари ҳайдалди, марзалар чо-пиладилар, баҳор, ёз даврида ари-қ ва йўл ёқалари, пахта дала-сидаги дараклар ҳашаротларга қар-ши бир неча марта дориланади.

Бутун майдонга чигитини яхши тайёрлаган ерларга қисқа ва энг қулай агротехника муд-датларида энг олиш таъминланади. Чигит энг бўлинган, барча пах-такорларнинг эътибори ҳамма майдонда чигитини тўлиқ ва бир текис ундириб олишга, гўза пар-варини билан боғлиқ бўлган аг-ротехника тадбирларини юқори сифатли ва ўз вақтида ўтказишга қаратилади.

„Ленин йўли“ колхозининг аъзолари гўзани сугоришда ҳам илгोर методлардан кенг фойдала-надилар. Суғу ноубудчилигига йўл қўймадилар. Гўзани озик-лантириш уларнинг асосий ди-ққат-эътиборида бўлади. Биринчи йўлга қадар гўза азотли ўғитлар билан озиклантирилади, фосфор билан озиклантирилади. Ик-кинчи сувдан бошлаб эса экин-га „серават“ оқизилади.

Пахтакорлар мавжуд 23 та те-рим агрегатини, шунингдек курак-териш ва чувиш машиналарини

муддатидан олдин ремонт қилиб қўйди. Шу билан бирга қў-шимча пахта териш машиналари сотиб олиниб, „зангори кема“-лар билан ҳосилини териб олишга эътибор қўйирилди. Агар ўт-ган йили 11-15 тонна пахта маши-налар билан териб олинган бўлса, бу йил 3 минг тонна пахта „зан-гори кема“ дар билан териб оли-нади. Пилани 25 иш кунинда ба-жариш, ҳосилнинг асосий қисмин-ни биринчи сортларга топириш чо-ралари қўйилди.

Дехқонлар гўзани механизмлар-ердами билан чеканка қилишга қар-ор қилишди. Бу билан намида 225 минг сўм пулни тежаб қолдиш ва пахтанинг тиннархнин кескин камайишига аҳд қилинди. 1500 гектар майдонда дефляцияция ўт-казилиб, қўсқакларнинг 50-60 про-центини очилган, машина терими-га киришди. Ингит-теримда иш-лар прогрессива потот усулида ташкил этилади. Пахта машина-лар бункеридан бевосита прицеп ва автомашиналарнинг қайта ус-куналанган кувовига тўкилиб, да-ладан тўғри тайёрлов пунктлари-га жўнатилади.

Колхозчилар дала ишларининг ҳаммасини уюшқонлик билан ўз вақтида муваффақиятли қилиш-ти ҳаракат қилишди. Колхоз-таш-тислар ва комсомолларини ишлаб чиқаришга тўғри жойлаштириш, топиришдан иш учун коллектив-хиссини ошириш асосида хўжа-ликнинг барча тармоқларини ком-плекс ривожлантириш, пахта би-лан бир қаторда бошқа қишлоқ хўжалик экинларини энг иш ва ҳо-синдорлигини ошириш планлари-

— Менин ютуғим — коллек-тивнинг ютуғи. — дейди Турсу-ной, — мен қандай кўвончли нати-жаларга эришадиган бўлсам, бу коллектив бераётган натта ёрда-мининг ёрқин рамзидир. Мана эн-ди шу қадрдон коллективни мени шаҳар Совети депутатлигига ном-зод қилиб кўрсатишди. Бу ҳам мен учун билдирилган натта ишончдир.

Шунингдек 1-босмахона матбаа-чилари босма цехининг мастери



ТАЙЁРГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛСИН

Меҳнаткашлар депутатлари Бў-қа район иқроия комитети ма-ҳаллий Советларга сайловлар ку-нини пухта тайёргарлик билан ку-тиб олиш мақсадида қишлоқ ва по-селка Советларининг раислари, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, касабда союз раҳбарларининг ах-боротини эшитди.

Пилнишда сайловдаги аги-тация ва тушунтириш ишлари бир-мунча намунали йўлга қўйилган-лига қайд қилинди. Район хўжа-ликларидида маҳаллий Советларга яқинлашиб келаётган сайловлар ку-нини меҳнатда муносиб кутиб олиш учун мусобақа ҳар томонла-ма қизитиб юборилди. Айниқса, Ҳамма номли колхоздаги 5 та агитпунктда сайловдаги ишлари яхши йўлга қўйилган. Колхозда ўқитувчи, агроном ва участка бо-шиқларидан иборат 57 коммунист агитаторлар сайловчилар ўртаси-да тушунтириш ишларини олиб бор-моқда.

Колхоз партия ташкилоти аги-таторларнинг тез-тез йиғилишла-рини ўтказиб, уларнинг бу ерда-ги ўзаро тажрибаларини умум-лаштиришмоқда.

Афсуски, райондаги Керовчи, Ленин қишлоқ советларида ва Пис-кент поселка Советида маҳаллий Советлар сайловларига тайёргар-лик қилишда қатор камчиликлар-га йўл қўйилмоқда. Юқоридаги сайлов участкалари ва агитпункт-лар шу кунгача безатилмаган. Ҳаттоки бу сайлов участкаларида навбатчилар белгиланмаган.

Район иқроия комитети маъ-ликига бу сийёсий кампания — ма-ҳаллий Советларга яқинлашиб келаётган сайловлар кунига тай-ёргарлик қилишдаги йўл қўйила-ётган камчиликлар бошқа хўжа-ликларда ҳам содир бўлаётганли-гини таъкидлаб ўтилади ва қатор амалий тадбирлар белгиланди.

А. ШАЙХОВ.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИ ВА ЖИПСЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

А. Н. КОСИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
ОРҚАЛИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 26 февралда Мар-казий телевидение орқали нутқ сўзлади. Уртоқ Косигин ўзи бо-шчилигидаги Совет Иттифонки деле-гациясининг яқинда Оседадаги со-циалистик мамлакатлар — Вьет-нам Демократик Республикаси ва

Корея Халқ Демократик Респу-бликасида қилган сафари тўғриси-да сўзлаб берди. Делегация бу мамлакатлар ҳукуматларининг тақлифига биноан ана шу мамла-катларга борди. Делегация яқин бор — Ханойга бориш ва ундан қайтишда Пекинда тўхтаб ўтди.

Биз, деди А. Н. Косигин, Вьетнам ва Кореяга жўнаб кетар-канми, ана шу мамлакатлар Коммунист партиялари ва ҳў-куматларининг раҳбарлари билан фикрлашиб олишни, қардошларча муносабатларимизни ва янглис-гимизни янада мустаҳкамлаш чо-ралари тўғрисида ва бу билан тинчлик, демократия ва социализм кучларини мустаҳкамлаш чо-ралари тўғрисида биргаликда фикр-юртишни кўзда тутиш эди. Вьетнам Демократик Республика-си ва Корея Халқ Демократик Республикасининг социалистик дав-латлар улуг оиласининг аъзолари бўлиб, социализм ва коммунизм учун курашдан иборат умумий ишдаги ўртоқларимиз ва сафдош-ларимиздир.

Биз Вьетнам Демократик Рес-публикасида сафар қилар экан-миз, бу районда вужудга кела-ётган вазиятнинг ҳам эътиборга ол-май қололмас эдик. Бу районда ҳақиқатан ҳам уруш бормоқда, чет эл интервентлари Вьетнам халқига қарши уруш қилмоқда-лар. Қўшма Штатларнинг мили-тарист доиралари кейинги вақт-ларда агрессия ҳаракатларини ке-нгайтиришни ҳатариб йўлга ўт-қизди. Ҳиндхитой ярим ор-олида уруш ҳавфсини кучайиб бо-раётганлиги барча тинчликсевар давлатлардан тинчликни ҳимоя қи-лиш, низоининг кенгайишига йўл қўймаслик учун қатъий чоралар қўришни талаб қилади. Совет де-легациясининг Демократик Вьет-намга қилган сафари Совет Итти-фонки Вьетнам халқининг ҳаққоний иштини актив қўллаб-қувватлаёт-ганлигини ифода этди.

Делегация халқ Вьетнамга келган дастлабки дақиқалардан

бизни ҳамма жойда илиқ, самимий кутиб олдилар. Муштарак буюк манфаатлар, революцион тради-циялар тугайли бирлашган дўст-ликнинг ҳудди шундай илиқ ва са-мимий кутиб оладилар. Совет ки-шилари ўзларининг вьетнамлик қардошларига қандай чуқур дўст-лик туйғуларини билан қараётган бўлсалар, биз Вьетнам элида Вьетнам халқи ҳам совет халқи-га шундай чуқур дўстлик туйғу-ларини билан қараётганлигини кўр-дик.

Вьетнам Демократик Респу-бликасининг халқи ўз партияси-нинг раҳбарлигида қатъий ишонч билан социалистик йўлдан олга бормоқда. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва бу партиянинг раҳ-барлари халқ орасида катта обрў-га сазовор бўлишди. Вьетнам Коммунистлар партиясининг асо-синлари ва сингал раҳбарларидан бири, бу партиянинг раиси ва Вьетнам Демократик Республика-сининг президенти Уртоқ Хо Ши Мин билан учрашувимиздан ҳурс-ан бўлиди. Уртоқ Хо Ши Мин аввалдагидек ҳозир ҳам тегиж ва бардам бўлиб, бутун кучини ўз халқига сарф қилаётганлигини таъкидлаб ўтиш биз учун экинчи эди. Вьетнам Меҳнаткашлар пар-тияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Уртоқ Ле Зуан билан, бош министр Уртоқ Фам Ван Донг билан ва Вьетнам Де-мократик Республикасининг бош-ча таниқли арбоблари билан учрашуваримиз ва суҳбатла-

римиз бирда кучан таассуфот қол-дирди.

Вьетнам Демократик Респу-бликасининг меҳнаткашлари социал, иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлидан дадил олға бораётган бўл-са, мамлакатнинг жанубида Вьет-нам халқининг тақдирини таъминла-бошқача бўлди. Қўшма Штатлар 1954 йилда Женевда тузилган битимларни қўпол равишда бузди. Қўшма Штатлар Вьетнамда де-мократик сайловлар ўтказишга ҳалқат бериб, мамлакатнинг жа-нубидида халққа қарши бўлган Сай-гон режимини ўрнатди.

АҚШ Вьетнамдаги разил уруш-га ва халққа қарши бўлган Сай-гон режимини қўллаб-қувват-лашга бир неча миллиард доллар сарф қилган бўлса ҳам, Жанубий Вьетнам халқининг мустақиллик ва озодлик йўлидаги ҳаракатини бостира олмади. Мавжуд маълу-мотларга қараганда, Жанубий Вьетнам миллий fronti Ианубий Вьетнам территориясининг тахминан тўртдан уч қисминин Сай-гон режимини ҳукмронлигидан ҳам интервентлардан овоз қилди. Бу территорияларда мамлакат аҳо-лисининг қарийб ундан икки қис-ми ишайди.

Америка империалистлари ўз қўшинларини Жанубий Вьетнам-дан аллақачонлар олиб чиқиб ке-тишлари ва халққа ўз тақдирини ағнабийларнинг аралашувисиз ҳал этиш имконини беришлари керак эди.

Сайгон режими ҳалокат ёқасига келиб қолган ҳозирги пайтда Қўш-ма Штатлар агрессия доирасини кенгайтириш ва Вьетнам Демок-ратик Республикасини қарши ҳама-да Ҳиндхитойдаги бошқа муста-қил давлатларга қарши ҳарбий иттифодларини уюштириш йў-лига ўтаётганлиги ҳақида гапириб, Уртоқ Косигин айтдики, бундай сийёсат тамомла ҳалокатга олиб келишигига мумкин эканлигини ақли расо ҳар бир киши равшан тушуниб оломоғи керак. Шимол-ий Вьетнам тинч аҳолисининг бом-бардиром қилинаётганлиги чет эл интервентларига нисбатан кўррат-рини кучайтирмоқда. Вьетнам хал-қининг мардлиги ва жасоратини мустаҳкамламоқда, ҳолос.

Биз қардош республикада бўл-ган вақтимизда Вьетнам халқи Америка ҳарбийларининг иттифо-қли ҳуружларига қарши зўр мард-лик ва жасорат кўрсатганлигини шоҳиди бўлиди. Биз кучли норо-злик намойишларини кўрдик. Вьетнам халқи агрессорларга қатъий зарба бермоқ учун янада сиққан жонлашди. Совет халқи, барча социалистик мамлакатлар-нинг халқлари, барча тинчликсе-вар халқлар Америка самодетла-рининг Вьетнам Демократик Рес-публикасини тинч шаҳар ва қишлоқларга қароқчиларча қи-латган ҳужумларини қаҳр-ғазаб ва қатъият билан қораламоқдалар. Вьетнам Демократик Республика-сини ҳимоя қилиб чиқиш — муста-қиллик ва озодлиқни ҳимоя қилиб чиқиш демократик. Вьетнам халқи-ни қўллаб-қувватлаш — жаҳонда-ги барча прогрессив кишиларнинг ишдир.

(Давоми иккинчи бетда).

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси коллективни маҳаллий Со-ветларга бўладиган сайловлар шарафига меҳнат вақтасида туриб ақойиб зафарларини кўлга киритмоқда. Эришяётган муваффақият-ларда коммунист меҳнат бригадаси аъзоси Карима Ҳошимованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга смена топириқларини ҳам ортиғи билан адо этаётти. Суратда: пешқадам ишчи ўртоқ К. Ҳошимова.

И. ЗАНИДИНОВ ФОТОСИ.



**СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ҚАРДОШЛАРЧА
ДЎСТЛИГИ ВА ЖИПСЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК**

Ҳиндихитойдаги вазият Вьетнам раҳбарларининг билан ўтказган ҳўхатларинингизнинг диққат марказида турганининг тамомла табиий ҳўхатларининг деб сўзини давом эттириш. СССР Министрлар Советининг Ралсий. Партиянинг Марказий Комитети ва Совет ҳўхукуматиининг ошпиривига биноян, вьетнамлик ошпиривига шунинг маълум қилиқини, Совет Иттифқи қардош соҳалистик республиканинг талдиқна бафар қарам турмади ва нага зафур ёрдами кўрсатади. талдиқ Вьетнамни қарши агрессия қардош қилиши мўкин деб, ҳеч қандай ҳўхмаёлларга берилмасин. Ҳиндихитойдаги аҳволни нормалаштиришга олиб келадиган йўлларни қидириб топиш учун шартларини вужудга келтириш мақсадида, талаб қилинаётган нарсаларни аҳоли, қўшма Штатларнинг Демократик Вьетнамга қарши агрессия ҳўружларини тўхтадириш керак:

БЕТ, 28 ФЕВРАЛЬ 1965 ИИЛ.

лар билан фикрлашиб олдинг. Биз социализм ва коммунизмни курашдан либозат мушаракат улуг иш маффаатлари билан жипсашган кишилар шифатида узрашқин ва суҳбатлашқин. Муҳокамаларимизнинг натижалари Қўшма Баёнот деб курастиб ўтилди. Бу баёнот матбуотда ёллон қилинди.

Биз шунга аминимизки, мамлакатларимизнинг халқлари социализм ва коммунизм учун, империалистларнинг агрессив хуружларига қарши, бутун дунёда тичқил учун биргаликда кураш олиб бораверадилар.

Биз қорейс ўртоқларимизга оғзаат халқи қорейс халқининг суэ мамлакатини қайтадан бираштираш учун олиб бораётган курашиниға самимий хайрихоҳлик билан қарамоқда, деб айтқин. Америк қўшинулари Жанубий Қорейядан олиб қичиб кетилиш лозим, деб қўшбалаймиз ва Қорейя Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг ўз ватанини тич қўл билан бираштираш соҳасидан қора ва тадбирдорлини қўллаб-қувватлаймиз. Қорейя масаласини фақат қорейс халқи ҳал этиши музқин ва лозим.

биз 53 саваримиз ваъдати Пе-
 кинда икки марта
 кинди. Биз Пекинда
 Уи Шао-цзи, Чжоу
 Сюе-пин, Чэнь И
 ва Хитойнинг бошқа раҳбарлари
 билан учрашди ва суҳбатлашдик.
 Бу — ҳар иккала томонни қизиқ-
 тиртайдиган проблемалар юзасидан
 самимий фикр олишув бўлди.
 Биз халққара аҳвол, жаҳон комму-
 нистик ҳаракати, партияларимиз
 ва мамлакатларимиз ўртасидаги
 муносабатларга доир масалаларни
 муҳокама қилдик.

булган тафовутлар ҳам борлигини
 кўриш биламиз. Ҳар бир мамлакат-
 даги конкрет тарихий вазиятдан,
 миллий хусусиятлардан, миллий
 ўзинга хосликдан келиб чиқадиган
 бундай тафовутларни эътиборга
 олмадаслиқ мумкин эмас.

Мамлакатлар Одавлар Ҳоқеалар

да, жумладан, бундай дейилди
«АҚШ Шикмолй Вьетнамга қарш
уруш ҳаракатларини дарҳол тўх
тишини талаб қиламиз». Швеция ё
ларининг социал-демократик союз
ҳам шундай норозилик байно
эълон қилди.

қисмга бўлиниши Панжобга
огир таъсир қилди. Улкан
шарқий қисми Ҳиндистонга ўтди.
Давлат чегараси панжоб халқи-
нинг миллий, маданий-тарихий во-
тил умумийлигининг бузилишига
ҳам сабаб бўлди.

ПАНЖОБ-ЎЗБЕКИСТОН
Дўстлиги кунига

нинг муаллифи, буюк ўзбек олими Бируний бу ерга келган.

кинофильмлар ва китоблар алма-
шиш кўзда тутилади. Юқорида
ҳар икки жамиятнинг Самарқанд
ва Чирчиқ шаҳарлари бўлимлари
билан Амритсар ва Бхатинди ша-
ҳарларидаги филмалари ҳам ўз-
aro мустаҳкам aloқа боғлаган
лар.

ишлари тўғрисида ёзган материалга «Шифокорлар» деб сарлавҳа қўйибди. Автор бу ерда сидикдидан меҳнат қилиб келаётган Н. Юнусова, А. Смирнова, Г. Арешин, М. Собиров каби шифокорларнинг жонбозлигини конкрет мисолларда ифода этади.

М. КУТИНА,
П. РАСУЛЗОДА,
шарқшунослик институти.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ АМАЛГА ОШИРАДИ

ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

Энг яхши назоратчилар тажрибасини оммалаштирайлик

КЎМАКДОШЛАР

Область колхозларидаги партия-дават контролига кўмаклашувчи гуруҳлар раислари ва постларнинг бошлиқлари дастлабки ишга якуни ясади, тажрибаларни ўртоқлашади, келгуси режаларни белгилаб олиш учун Калинин районидagi «Коммунизм» колхозини клубига йиғилдилар. Семинарнинг шу колхозда ўтказилганлиги тасодифий эмас. Бу хўжаликда тузилган кўмаклашувчи гуруҳлар фаолияти диққатга лойиқ, ундan ҳар қанча ибрат ола аризулик.

«Коммунизм» колхозини кўмаклашувчи гуруҳининг иши ҳақидаги ҳисобот Эзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг партия-дават контроли комитетига оштилган ҳамда маълум топилган. Колхоз халқ назоратчиларининг тажрибасини ўрганиш ва кўламини тавсия этилган. Семинар ўз олдига қўйган мақсад ҳам шу эди.

Семинарда аввал «Колхоз ишлаб чиқариши фаолиятини анализ қилиш йўллари» деган темада лекция тингиланди. Тошкент олий партия мактабининг старший ўқитувчиси ўртоқ А. Эшонхўжаев лекция ўқиди.

Масъулар — «Коммунизм» колхозини партия ташкилотининг секретари Р. Эшонхўжаев (будан аввал у колхоз кўмаклашувчи гуруҳининг раиси бўлган) ва кўмаклашувчи гуруҳ раиси В. Мирзаахмедов ўртоқлар ўз тажрибаларини айтиб беришди.

Колхоз кўмаклашувчи гуруҳини 5 секцияга бўлинган. Пахтачиллик, чорвачилик, меҳнатини ташкил этиш, механизация ва маданий-оқартув ишлари бўйича секциялар бор, уларга ўз соҳасининг мутахассислари раҳбарлик қилишади. Бригадалар, фермалар, устаканаларда ҳар бири ўн кишилик 13 та пост ташкил этилган.

Кўмаклашувчи гуруҳ ва постлар ўз ишини «Ишламаган тилмас» принципи асосида ташкил этган. Колхоз назоратчилари ўзларининг давлат ва халқ олдидagi бурчларини яхши тушунадилар. Уларнинг асосий мақсади — план ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашда давлат ва партия ташкилотига зарур ёрдам кўрсатишдан иборат. Меҳнат нитизомини мустақамлаш, эл мулкни кўз қорачиқидек асраш, ички резервларни излаб топиш, маҳсулот сифатини ошириш, хўшхўш, шу сингари турли-туман муҳим масалалар гуруҳ фаолиятининг негизини ташкил этади.

Бултур колхозда 65 та текшириш ва рейд ўтказилди, бу ишга 373 актив жалб қилинди. Гуруҳ ва пост аъзолари чигит экишдан тортиб, ҳосилини йиғиб-териб олишга қадар далада бўлиб, рўй берган камчиликларини правление ва партия бюроси йиғилишида муҳокама қилиб боришди.

...Ўзга парварини қизгин палла қирган давр эди. Гуруҳга 1-культивация даврида 5-бригадага қарашли айрим пайкаллардан гўзалар ноубат қилинганлиги тўғрисида сигнал тушди. Дарҳол тахтакчилик секцияси ишга киришди. Текшириб қўрилса, культурация нотиғи ўтказилиб, 0,20 гектар ердаги гўза пойма қилинибди. Правление эвено бошлигини Омон Юсуфжоновга келтирган зарари учун 17 сўм жарима солди ва ундириб олди.

Мана, бошқа мисол. Коля Куряко ва Акмал Азаматов эътиборсизлик қилиб, гўзани бостириб сўғоришадигани маълум бўлди. Уларга ҳам 9 сўмдан жарима со-

линди. Шундан сўнг ишда бран барҳам топди.

Кўмаклашувчи гуруҳ ва постларнинг аъзолари чорвачиликка назоратини ҳеч бўшатиришмаяпти. Ҳаммаша улар кўз-қулоқ бўлиб туришади. Чорва маҳсулотларини олиш ва давлатга сотиш, ҳисоб-китобини юритиш қатъий назорат остига олинган. Бир неча бор текшириш ўтказилди. Аниқланган камчиликлар йўл-йўлакай бартараф этиб борилади. Натижада давлатга гўшт, сут, жун сотиш йиллик топширини орттириб бажарилади. Гуруҳ аъзоларидан Эрматов, Ендюшев, Турсунов ва Усмонов ўртоқлар бу ишда гоят активлик кўрсатишди.

Илгарилари колхозда ҳар бригадада беда ва жўҳориға биттадан қоронғу кўйиларди. Назоратчилар қоронғулардан воз чечишди. Бу назофани пост аъзолари ўз зиммаларига олдилар. Колхозга шу йўл билан 4400 сўм фойда келтирилди.

Ўрта Чирчиқ районидagi «Коммунизм» колхозини кўмаклашувчи гуруҳининг раиси ўртоқ Н. Югай ҳам диққатга сазовор тажрибалари билан ўртоқлашди.

Бу хўжаликда ташкил этилган кўмаклашувчи гуруҳлар ҳозир партия ташкилотига колхоз олдидa турган етук масалаларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бермоқда. Гуруҳ ўз ишини планли оlib боради. Қилинган ишлар, текширишлар натижаси кундалик дафтарда ўз аксини топади.

Колхоз партия ташкилотининг раҳбарлигида кўмаклашувчи гуруҳ ва ўтган йили 30 марта текшириш ўтказди. Бунда гўза парваринида агротехника қоидаларига амал қилиш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ҳамда маҳсулотларини ошириш, эл мулкни — колхоз мулкни саклаш масалаларига диққат-эътиборни айланиса кучайтириди.

Кўмаклашувчи гуруҳининг ишидagi иккинчи томонлар нималар? Гап шундаки, бу гуруҳ аниқланган камчиликларини йўқотиш учун жуда изчил ҳаракат қилади, нуқсонларини вақтида, ўша жойини ўзида йўқотиш учун қўрашади.

Кўмаклашувчи гуруҳ аъзолари хўжаликда 209 та қўй етиштиришларини аниқлашди. Текшириш натижалари тергов органдарига ҳавола қилинди, айбдор шахслар суд жавабгарлигига тортилди.

Гуруҳ фаолияти иложи борица кенгроқ ёритилмоқда. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти томонидан гуруҳ материалларига асосда қўрилган тадбир-чоралар аъзолар тахтасига осиб қўйилди, деворий газеталарда еритилди, колхоз радиоузели орқали эштитирилади.

«Коммунизм» колхозини илгари колхоз хўжалик бўлган. Бирок 1964 йилда ўзини ўнгитиб олди ва давлатга пахта, галла, шол, жун ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш планини муваффақиятли адо этди. Колхоз ютуғида кўмаклашувчи гуруҳининг ҳам салмоқли улуши бор.

Семинарда Бекободдан Навоий номи колхоз кўмаклашувчи гуруҳининг раиси Х. Турдалиев, Калинин районидagi генерал Собир Раҳимов номи колхоз кўмаклашувчи гуруҳининг раиси Т. Бобоев ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз тажрибаларини гапириб бердилар. Нотиқларнинг сўзларидан шу нарсалар равшан бўлдики, жойлардаги кўмаклашувчи гуруҳлар чиндан ҳам партия ташкилотларининг энг яқин ёрдамчилари бўлиб қолишган.

ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

Семинар қатнашчилари кўпгина қимматли фикрларини ўртага ташладилар. Текшириш форма ва методлари, келажанда қилинадиган ишлар тўғрисида батафсил гап-сўзлар бўлди.

Пассивлик назоратчилар табиғатиға ёт ҳусусият, — дейишди улар. — Ишнинг, фаолиятининг самараси кўп ниятдан ташаббускорликка боғлиқ. Икки йиллик тажриба шунини

равшан кўрсатиб турибдики, қарда кўмакдошлар ташаббус билан ишчи ҳаракат қилишадиган бўлса, ўша жойда яхши самараларга эришилади.

Кўпкамга экин масъумига техника шайми? Калинин районидagi «Коммунизм» колхозини кўмаклашувчи гуруҳининг аъзолари бу гап устаканга келиб, шу масала билан киндилар. Суратда: (чапдан) механиклар бригадари Х. Исмаилов, бош агроном, кўмаклашувчи гуруҳининг раиси В. Мирзаахмедов ва экономист И. Турсунов ўртоқлар ҳозиргина ремонтдан чиққан селлакаларни текширмоқдалар.



Суратда: семинар қатнашчилари — кўмаклашув гуруҳининг раислари — йиғилуғидagi Инёзов номи колхоздан А. Зўфаров (чапдан), Бекобод районидagi «Победа» колхоздан А. Мирзакулов, Калинин район «Москва» колхоздан И. Аббосов ва Оржоникидзе районидagi «Козогистон ССР 30 йиллиги» колхоздан М. Мирзаахмедов ўртоқлар танаффус вақтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Янгийўлданги Киров номи колхоздан Т. Шокиров Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозидан Х. Элчиев ўртоқлар сўзга чиқиб, ўзлари раҳбарлик қилмаган гуруҳларнинг тажрибаларини тўғрисида гапирди.

Шикоят, арица ва сигналлар текшириш билангина қифолланган қолмаслик керак, — деди ўртоқ Х. Элчиев. — Биз олдидан тузилган ва колхоз партия ташкилоти тасдиқлаган план асосида тез-тез муҳим рейд ва текширишлар уюштириб турибмиз. Рейд аъзоларининг қўпчилиги мутахассислардан бўлиши мақсадга мувофиқ экан. Шунда текшириладиган объект чуқур ва ҳар томонлама ўрганилади.

Ўртоқ Т. Шокиров ҳам бу ҳусусда қизқарли фикрларини ўртага ташлади.

Илгари колхозимизда пахта ҳосилдорлиги 17 центнердан ошмаган эди, — дейди нотиқ. — Бултур айрим бригадаларда ҳатто 40 центнердан ҳосил олдилар. Ўтган йил бошқа соҳаларда ҳам юксалиш йили бўлди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти биз кўмакдошларга жуда сўниб қолган. Хўжаликдаги ҳар бир муҳим тадбир албатта назоратчилар иштирокчи амалга оширилмоқда.

Нуксонни топиб, айбдорларни жазолагандан кўра, шу нуксоннинг олдидан олиш муҳимроқ. Назоратчиларнинг энг асосий вазифаси ҳам шун. Биз юқоридан топириш эки кўрсатма кутиб ўтирмаймиз. Ҳамини ташаббус кўрсатиб, текшириш ўтказиб турамыз. Мана мисол:

Йил бошиданги техника ремонтини қатъий назорат остига олди. Бир неча марта текшириш ўтказиб, камчиликларини вақтида тузатиб борибди. Ҳозир колхоз техникаси кўпкамга тахт. Борди-ю, ремонтнинг аъволи ҳақида сигнал пойлаб, совуқдонлик билан иш тутганимизда, кейин аниқланган камчиликларини тузатиш қийин бўлар эди.

Калинин районидagi Охунбобоев номи колхоз кўмаклашувчи гуруҳининг раиси ўртоқ К. Ахмедовнинг сўзини семинар қатнашчилари қизгин кутиб оlishди.

— Минерал ўғит — ҳосил қилган дегимиз, баъзан унинг қадрига етмайди, — деб ҳўноқ қилди у. — Ўтган йил баҳорда гуруҳимиз минерал ўғитларини саклаб ишларни текширди. Колхозга оғит келинган ўғит дуч келган ерга тўкилар, оқибатда кўп исроф

бўларди. Негани, хўжалигимизда ўғит саклайдиган махсус силла бўқ эди. Правление ва партия ташкилоти олдига шу масалани қўйиладиган қилиб қўйдик. Яқинда ўғит силла қурилиб, фойдаланишга топширилди. Олдин кўрт хонадонларда боқиларди. Колхозда маркашлаган паллахона қуридик.

— Колхозимизга меҳнати кўп сингган некаслар бор. Улар энди иззат-ҳурматда бўлиши керак. Правление шу ҳақда ўйлаб кўрсатиларди.

Группамизнинг бу тақлифи правление аъзоларига ҳам маълум тушди. Колхозда қарилларнинг дам олиш уйини қуришга кириш-

РЕЖАЛИ ИШ—ПУХТА ИШ

Навбатдаги семинар Оққўрғондаги «ЭзССР беш йиллиги» совхозидa бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари — область совхозларидagi партия контроли комитетига кўмаклашувчи гуруҳлар раислари халқ контролерлари ўзаро тажриба алмашишди.

Совхоз областдаги машъал хўжаликлардан бўлганлиги учун ҳам бу ерда кўмаклашув гуруҳини амалга ошираётган ишлар бошқаларга намуна бўлардилар. Совхоз йилдан-йилга пахтачиликни ривожлантириш соҳасида яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Механизация хўжалигининг ҳар бир соҳасига кириб борапти. Хосилнинг асосий қисми машиналар билан териб олинаётганлиги учун ҳам пахтанинг таннархи арзонга тушайпти.

— Биз эришадиган муваффақиятларнинг боиси шундаки, — деди совхознинг бош агрономи ўртоқ В. В. Бакулин, — бизда ҳар бир тадбир пухта ўйлаб амалга оширилди. Энг қувончлиси шундаки, бу тадбирларни амалга оширишда совхоз дирекцияси ва партия ташкилотига партия-дават контроли комитетига кўмаклашувчи гуруҳларнинг аъзолари яқиндан ёрдам берадилар. Гуруҳ аъзолари гайратли, камчиликларга мурасасиз кишилардан иборат. Улар ҳар соҳада активлик кўрсатиб келмоқдалар. Ерни экишга тайёрлаш ва чигит экиш даврида айниқса, қатъий меҳнат қилишади. Ахир шундай бўлиши ҳам керакда. Деҳқон чигитни қанчалар ўз вақтида ва сифатли қилиб, яхши тайёрлаган ерга экиб олса — ана шунинг ўзи ярим ютқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу даврда халқ

контролерларимиз ўз постларида хушёр ва сергак турадилар. Ўзини бўлса-да халқсизлик, паллапартишга йўл қўйилмаслиги учун курашадилар. Ўтган йилги бир воқеа сира-сира эсимдан чиқмайди. Айни чигит экиш пайти эди. Мен эидигина дала айланиб келган эдим. Шу пайт менинг хўзуримга гуруҳ аъзоларидан уч киши кириб келишди. Кўринишдан улар нимадандир ранжигандек эдилар.

— Келинлар, — дедим мен, — тинчликми?

— Биз ҳозир рўпарадаги даладан келаямиз, — дейишди улар. — Квадрат нотиғи экиляпти.

Дарҳол биргаликда ўша ерга бордик. Уларнинг берган сигналлари тўғри бўлиб чиқди. Экилган ерни брак қилдик. Қайта квадрат қилинди.

Халқ контролерларининг ўткир қўлидан ҳеч нарсга қочиб қутилмайди. Ўтган йили техникани экишга тайёрлаш, чигит экишнинг боришини текширишдан ташқари чорвачиликни ҳам назоратга олишди. Улар, Чунки бу соҳа, айниқса, оғсақ эди. Чўчқаларни бўрқонга боқиб масаласига эътиборсизлик билан қараётганлиги ҳақидаги сигнал партия бюросида муҳокама қилинди. Камчиликлар ўз вақтида очилди. Айбдорлар жазоланди.

Кўмаклашув гуруҳининг аъзолари энг биринчи навбатда ишнинг сифатига эътибор бера бошладилар. Халқ контролерлари, постларига бу ҳақда қатъий топшириқ беришди. Сифат ишнинг асосий мезони, деган ишор ўртага ташланди. Ерни, чигит экиш таъйини қилиш даврида бу ишор байроқ қилиб кўтарилиди. Натижа биз кутгандек бўлди. Квадратлар аниқ чиқди. Ўт йўқолди. Гўза серхосил бўлиб ўсди.

Кўмаклашув гуруҳининг аъзолари меҳнат нитизомини йўлга қўйишда ҳам гайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилдилар. Биринчи, иккинчи, тўртинчи бўлимларда, айниқса, меҳнат нитизомини пайсалиб кетган экан. Гуруҳ аъзолари олиб борган тушунтириш ишларидан сўнг 80 киши далага жалб этилди. Бу сингари амалга оширилган ишлар туфайли совхоз юксалиш йўлига кирди. Ўтган йили совхоз бўйича ҳосилнинг йўл қисми машинада терилган, ҳар гектаридан 24 центнердан ҳосил олинган экан, албатта, бунда кўмаклашув гуруҳини аъзоларининг ҳиссаси каттадир.

Кўзбўямачилик яхши ишни охирига етказишга ҳақикат берадиган, ишнинг адоштиладиган эканини сарфитидир, — дейди «Тошкент» совхозини кўмаклашув гуруҳининг раиси ўртоқ Т. Шонисиев, — шунинг учун ҳам бизнинг гуруҳимиз аъзолари бу масалада ҳамма вақт хушёр бўлиш учун ҳар ранақ қилдилар. Агар хушёрлик йўқотилса, кичин бир камчилик катта зарар келтириши мумкин. Оддий бир мисол. Ўтган йили

Кўмаклашув гуруҳини ўз ишда эришадиган муваффақиятларнинг сирини нимда? Аввало шунини айтиш керакки, совхозда 140 коммунист бор. 10 та шах партия ташкилоти иш олиб боради. Уларнинг ҳар бири ўзининг кўмаклашув гуруҳини ага. Улар қатъий тартиб, план асосида иш олиб борадилар.

Дастлаб совхоз бўйича умумий план тузиб чиқилади. Партия комитетининг бу план-программаси барча гуруҳларга тарқатилиди. Гуруҳлар буни пухта ўрганиб чиқадилар ва шунинг мувофиқ ўз планларини тузадилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш — диққат-эътиборини фойдаланимай келинадиган резервларни қидириб топиш ва ишга туширишга қаратиш тузилган планларнинг мағзини ташкил этади.

Партия комитети ўзининг бюро ва мажлисларида гуруҳларнинг ҳисоботини тез-тез эшитиб туради. Текширув натижалари вақти-вақти билан таҳлил этилади. Ўтган йили машина теримига тайёргардининг боришини текшириш йўллари муҳокама қилинганда қўпгина камчиликлар очиб ташланди ва бу камчиликларни туғатиш йўл-йўраклари белгилаб олинди. Шунингдек қурилиш материалларининг сарфлашининг текшириш ҳам яхши натижа берди.

Совхозда сабзавот планни йилдан-йилга бажариладиган келинади. Бу масала ҳам гуруҳ аъзоларининг диққат-эътиборини жалб этди. Улар ана шу соҳадаги жиддий камчиликларни бартараф қилишда совхоз дирекцияси, партия ташкилоти билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Ҳозир совхозда баҳор таралду-ди. Гуруҳ аъзоларининг асосий диққат-эътибори фақат бир нарсасига — у ҳам бўлса, ер ва техникани чигит экишга пухта созлашга қаратилган.

— Ленин халқ гуруҳи ишида камчиликлар йўқ эмас, дейди кўмаклашув гуруҳининг раиси ўртоқ И. В. Басанец, — ҳамма гуруҳлар ҳам бир меҳрда ва бир текис иш олиб боришайпти деб бўлмайди. Чорвачилик ҳосил рентабелсизлигига қилиб келаяпти. Ўй-жой қурилиш соҳасида ҳам кўпгина камчиликларнинг бор. Вазифа экишга тайёрларининг ҳар тарафлама кучайтириш билан бирга ана шу соҳадаги камчиликларни ҳам тўла бартараф этишдан иборат. Ахир совхозимиз ҳамма соҳада машъал бўлиши керак.

СИФАТГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Семинарда сўзга чиқиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашган кўмаклашув гуруҳларининг раислари сифатга эътибор бериш — бу биринчи даражали вазифа деган фикрларни ўртага ташладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳозирги пайтда партия ва хўжаликнинг сои оқсидан қуниб, сифатга пўтур отказиш қабил ҳолатларни қатъий қўрашди. Маҳсулотнинг сифати — бу колхознинг бўлмасин, корхонанинг бўлмасин юз-кўзи, кўмаклашув гуруҳининг аъзолари у еки бу тадбирни амалга оширишга кўмаклашар эканлар, ҳамма вақт аша шунини ҳисобга олиб иш юритишлари керак.

Бу жиҳатдан 2-«Оққўрғон» совхозини кўмаклашув гуруҳининг раиси ўртоқ А. Марченковнинг гаплари диққатга сазовордир.

— Бизнинг совхоз собиқ «Оққўрғон» совхозини базасида ташкил этилган эди. Ўша йили ҳар гектар ердан бор-йўри 14 центнердан ҳосил олинган. Негар? Ахир совхоз ўз техникасига ага эдик? Давлатдан ҳар йили керакли, ўғитни олиб турган-ку. Агар экиш гўза парварини даврида бажаришган ишларни текшириб кўрсангиз — қорғозда ҳаммаси жойида. Гўза 5-6 марта культурация қилинган, ўтдан тозаланган. Ундай бўлса, нега ҳосилнинг мазаси бўлмади.

Гап шундаки, тадбирлар хўжаликнинг учунгина амалга оширилган, сонн бор-у, салмоғи бўлмаган. Шу туфайли далаларни бегона ўт босиб кетган. Шунинг учун ҳам совхоз дирекцияси на партия ташкилоти, кўмаклашув гуруҳини

картошка экиш пайти эди. Бир гектар ерга 4 тоннадан уруғ сарфланди деган ахборот олинди. Бу бизда шубҳа туғдирди. Текширидик: беш метр жойини қавлаб сарф қилинган уруғининг олдик ва ўқилди. Сўнг уни бир гектар ерга қўпайтирдик. Маълум бўлишди, бригада бошлиғи 4 тонна уруғлик сарфлаган деб ошнриб кўрсатган экан. Кўзбўямачиликнинг кирдикори фой бўлди. Халқ контролерлари ҳамини ана шундай иш олиб бориши керак.






1-«Далварэин» совхозидан сўзга чиққан З. Куделина ҳам кўмаклашув гуруҳини олиб бораётган ишлардан ибратли мисоллар келтирди.

— Хар ойда, — деди у, — бир марта йиғилиш ўтказиб турамыз. Йиғилишда гуруҳ аъзоларидан бирон кишининг ҳисоботини эшитамиз. Унинг кундалик дафтарини текшириб кўрамыз. Шикоятларга қандай муносабатда бўлганлиги билан қизиқамиз. Бу яхши натижа берапти. Халқ контролерларининг ўз ишларига бўлган масъулиятини оширмоқда.

Семинарда «Бўка совхозидан Ким Сергей, «Чиноз» совхозидан Юсупов, 1-«Оҳангарон» совхозидан У. Ҳамроқулов ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Хар икки семинар ишда област партия комитетининг секретари, область партия-дават контроли комитетининг раиси ўртоқ И. Р. Раҳматов иштирок этди.

Т. МИРХОДИЕВ, Н. РИХСНОВ.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 28 ФЕВРАЛЬ 1965 ЙИЛ

